

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил махсус сон



Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.д. Н.Абдурахмонов.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: – г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

Фалсафа фанлари: –ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятгов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, п.ф.д., проф Ў.Асқарова, п.ф.н., доц. М.Нишонов, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррир: *Н.Юсупов*

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатида киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 27.10.2021 йилдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб,

илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (**Баённома № 13**). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.



ШАХС ИЖТИМИЙЛАШУВИ ЖАРАЁНИДА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ВА СПОРТНИНГ ЎРНИГА ДОИР

Наманган давлат университети Факультетлараро жисмоний маданият кафедраси доценти
Б.Ш.Мадаминов

Аннотация. Ушбу мақолада шахснинг ижтимоийлашуви жараёнида жисмоний маданиятнинг тутган ўрни, жамият ва спорт муаммолари, жисмоний маданият ва спорт ҳақида фикр билдирилган.

Калит сўзлар: индивид, ижтимоий ҳаёт маҳсули, биологик организм, шахсни шакллантириш, мегаомиллар, макроомиллар, мезоомиллар, микроомиллар

Аннотация. В данной статье рассматриваются роль физической культуры в социализации личности, взаимодействие общества и физической культуры и спорта.

Ключевые слова : индивид, продукт общественной жизни, биологический организм, формирование личности, мегафакторы, макрофакторы, мезофакторы, микрофакторы

Annotation. This article discusses the role of physical culture in personality development, the interaction of society and physical culture and sports.

Key words : individual, product of social life, biological organism, personality formation, megafactors, macro factors, mesofactors, microfactors

Республикамизда мустақилликка эришилгандан сўнг спорт янги поғонага олиб чиқилди. Айниқса, юқори натижалар спортини ривожлантириш, халқаро майдонда кучли рақобат қила оладиган юқори малакали спортчиларни тарбиялаш, турли спорт турларида муносиб захира тайёрлаш ва илмий-амалий салоҳиятга эга етук мутахассис кадрларни етиштириш мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ўтган давр ичида спортчиларимиз эришган ютуқларни таҳлил қилиб, Ўзбекистонда спортнинг ривожланиш истиқболлини белгилаб олиш имконияти туғилди.

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси мус тақиллик йилларида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида эришилган ютуқларни қиёсий таҳлил қилиш асосида мазкур соҳанинг ри-вожланиш йўналишини аниқлаш асосий мақсад қилиб олинди.

Тадқиқотнинг вазифалари жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ислохотлар мо хиятини аниқлаш ва очиб бериш; Ўзбекистон спортчиларининг йирик халқаро мусобақалардаги натижаларини қиёсий таҳлил қилиш; Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиш истиқболи йўналишини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот ишини олиб боришда асосан қуйидаги усуллардан фойдаланилди:

- жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, адабиёт манбаларини илмий-педагогик жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил этиш;
- МОҚ архиви ва оммавий ахборот воситалари материалларининг таҳлилий шарҳи;
- тадқиқот натижаларини математик-статистик усулида ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси суверенитетининг биринчи йилларидан жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишига миллий тараққиётга ёрдам берувчи омил сифатида катта эътибор қаратилди. Айнан шу мақсадларда жисмоний тарбия ва



спорт фаолиятидаги ўзгаришлар жамиятимизнинг янги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий шароитларига мослаштирилди.

Мамлакатимизда миллий, минтақавий ва умумжаҳон жараёнлар доирасида изчил ке-чаётган ўзгаришларни ўрганиш, амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни баҳолаш, таҳлил этиш, илмий-назарий умумлаштириш, янгиланишлар ривожига ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда амалга оширилган кенг кўламдаги ишлар ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси билан алоқадор эканлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбекистон умумжаҳон ўзгаришлар жараёнлари оқимида ўзининг бетакрор ижтимоий-сиёсий, маънавий янгиланишлари дастурига эга бўлган мамлакат сифатида ўзига хос мавқе эгаллади. Янги цивилизация ва инсоният тараққиётига кучли таъсир ўтказишга қодир бўлган давлат сифатида ўзининг кенг имкониятларини намоён этди.

Инсоният тарихи турли даврларда Уйғониш ҳодисасини босиб ўтган. Ўзбек халқи тарихи-да IX-XII аср Уйғониш даври – биринчи Ренессанс ҳодисаси содир бўлиб, Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқ буюк мутафаккир олимлар номи билан боғлиқ бўлган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли гуруҳлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга кўмаклашиш; Ўзбекистоннинг миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш учун шарт-шароитлар яратиш; фуқароларни жис-моний тарбиялашнинг узлуксизлиги ва давомийлигини таъминлаш; халқаро ҳамкорликни амалга ошириш шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси 2017 - 2021 йилга мўлжалланган ривожланиш Стратегиясида энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим ва самарали омили бўлган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

— ~~Ҳар йили ёшлар~~, ишчи ва хизматчилар, маданият, ҳуқуқ-тартибот, муҳофаа ходимлари ўртасида баскетбол ва волейбол бўйича «Камолот кубоги», миллий ўйинлар бўйича «Алпомиш» спорт мусоба- қалари, ёшларнинг «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақалари, аёлларнинг «Тўмарис» спорт фестивали, «Жасорат-ирода-ғалаба» ногиронлар спорт мусобақалари, ўқувчи ва талабаларнинг «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» узлуксиз спорт мусобақалари мунтазам ўтказилмоқда.

Спортнинг оммавий ўйин тури – футболни янада ривожлантириш мақсадида барча ви-лоятлар ва шаҳар марказларидаги стадион-лар қайта таъмирланди, футбол майдонлари реконструкция қилинди, футбол мактаб-интернатлари ташкил этилди, футболнинг профессионал клублар тизимига ўтказилишининг асосий тамойиллари белгиланди. Шунингдек, спортнинг ўйин турлари қаторида катта теннис мамлакатимизнинг барча ҳудудларида оммавий равишда тез суръатлар билан ривожланмоқда. Мамлакат аҳолиси ўртасида теннисни тарғиб этиш, шуғулланувчиларга тегишли шароитлар яратиш мақсадида 1998 йилда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда теннисни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ бир неча йилда жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган теннис кортлари бунёд этилди, улар негизида турли даражадаги халқаро мусобақалар ўтказилмоқда. Жисмоний тарбия ва спортни оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш, унинг моҳиятини мамлакат аҳолисига етказиш мақсадида



Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда 4 ноябрдаги «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 484-сонли қарори қабул қилиниб, унга биноан Ўзбекистон телевидениесига махсус «Спорт» канали ташкил этилди.

Мазкур ишлар спорт билан шуғулланувчилар сонининг ортиб боришига замин яратмоқда. Масалан, 2008 йилда футбол би-лан шуғулланувчиларнинг сони 1991 йилдагига нисбатан 80,6 фоиз, кураш билан шуғулланувчилар эса 89,8 фоизга кўпайган. 1991 йилда юртимизда 52 спорт тури мавжуд бўлса, бугунги кунда 74 та спорт туридан 65 дан ортиғи барча ҳудудларда кенг ривожлантириш спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш режалаштирилган.

Шу билан бирга болалар спорти иншоотлари, умумтаълим мактаб спорт заллари ва сузиш ҳавзаларини қайта жиҳозлаш дастури доирасида уларни 20,6 миллиард сўмлик спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш режалаштирилган.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, спорт билан шуғулланувчи 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар сони 4 654 051 нафарни, фоизда жами 57,2, қишлоқ жойларда 56,0 фоизни ташкил этди. Спорт билан шуғулланувчи 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчи қизлар сони 2 257 151 нафарни, фоизда жами 46,9 фоиз, қишлоқ жойларда 44,7 фоизни ташкил этди. 2015 йилда болалар спорти объектларидаги мураббий-ўқитувчиларнинг умумий сони 10612 нафарни, жумладан, аёллар 2 809 нафар (26,5 фоиз), шундан олий маълумотли мураббий-ўқитувчилар 5045 нафар (47,5 фоиз), жумладан, аёллар 1327 нафарни (47,2 фоизни) ташкил этди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 2 миллионга яқин болалар, шу жумладан 842 минг қизлар 30 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Бу рақам 2003 йилга нисбатан 1,4 баробар кўпдир. Мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этиш 20,4 фоиздан 40,5 фоизга, жумладан қизлар ўртасида 16,4 фоиздан 32,5 фоизга ўсди. Умумтаълим мактабларидаги спорт тўғрисидаги сони 65432 та бўлиб, уларда жами 1637933 нафар ўқувчилар, шу жумладан 706878 нафари қизлар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Сўнгги ўн йилда қишлоқ жойларда болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши 14,5 фоиздан 39 фоизга ўсди. 1990 йилда 448 минг 800 нафар ўқувчиларнинг 7,4 фоизи спорт билан шуғулланган бўлса, 2014 йилда 2 миллион 219 минг нафар, яъни 34,8 фоиз ўқувчиларга спорт билан мунтазам шуғулланишга шароитлар яратилди.

2015 йилда Жамғарма маблағлари ҳисобидан 24 та давлатдан ортиқ мамлакатда (Россия, Грузия, Италия, Хитой, Латвия, Франция, Португалия, Колумбия, Сингапур, Қозоғистон, Босния ва Герцоговина, Индонезия, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Болгария, Япония, Мўғилистон, Германия, Греция, Малайзия, Чехия, Корея ва Таиланд) бўлиб ўтган 53 та халқаро спорт мусобақаларида спортнинг 27 турида (футбол, академик, байдарка ва каноэ да эшкак эшиш, енгил атлетика, эркин ва юнон-рум кураши, бокс, таэквондо WTF, бадий гимнастика, спорт акробатикаси, трамполин, спорт гимнастикаси, бадминтон, ушу, шотокан каратэ-до, шахмат, шашка, баскетбол, гандбол, велоспорт, кураш, дзюдо, армрестлинг, ўзбек жанг санъати, қўл жанги, сув полоси ва сузиш) 479 нафар (166 нафари қизлар) ўқувчи-ёшлар иштирок этиб жами 314 та медаль (140 та олтин, 83 та кумуш, 91 та бронза) қўлга киритишди (ўтган 2014 йилга нисбатан олтин медаллар сони 14 тага кўпайган).

Спорт машғулотларига ўқувчиларни оммавий равишда, узлуксиз жалб қилишни ташкил этиш мақсадида ёшларнинг уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод»,



«Универсиада» мусобақаларининг ҳудудларда Республика финал босқичларини ўтказиш режаси белгиланди. 2002 йилда Фарғона вилоятида ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида 11 та спорт тури киритилган бўлса, 2015 йилда Хоразмдаги «Умид ниҳоллари» мусобақалари 17 та спорт тури бўйича ўтказилди. Нуфузли халқаро институтларнинг эътироф этишича, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Жаҳон рейтингда мамлакатимиз ёш авлод саломатлигига энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган ўн давлат сафидан жой олди. Аҳоли генофондини яхшилаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида аёлларнинг ўртача умри 66 ёшдан 73,5 ёшга узайди. Оналар ва гўдаклар ўлими 3 баробар камайди.

Юртимизда аёлларга хос спорт турларини ривожлантириш, спорт билан шуғулланишни аҳолининг кундалик турмуш тарзига айлантириш ва шу орқали аёллар саломатлигини асраш, аёлда ўз соғлигига бўлган масъулиятни кучайтириш, соғлом авлод туғилишини таъминлаш масаласи устувор вазифалардан бирига айланди. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида «Хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши» ташкил этилиб, юқори малакали аёл тренерлар ва жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш ишлари йўлга қўйилган. Бугунги кунда умумтаълим мактабларида 25169 нафар жисмоний тарбия ўқитувчилари, шундан 6763 нафари аёл, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида эса жами 9983 нафар мураббийлар, шундан 2536 нафари аёл мураббийлар фаолият кўрсатмоқда. 1999 йилда аёл мураббийлар сони 2845 нафарни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2012-2013 йиллар давомида 15426 нафарни ташкил этди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда қабул қилган «Қишлоқ жойлардаги болалар спорт объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этди. Бунда қишлоқ жойларда фаолият кўрсатаётган аёл жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мураббийлар иш ҳақига 15 фоиз устамалар бериш белгиланди.

Юқори натижалар спорти ёки катта спортнинг ривожланиш динамикасини Ўзбекистон терма жамоаларининг халқаро спорт мусобақалари, Олимпия ва Осиё ўйинларидаги ютуқлари асосида кузатиш мумкин. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси 1993 йилда Халқаро олимпия қўмитасига аъзо бўлиб, Ватанимиз байроғи остида мустақил жамоа сифатида қатнашиш имкониятини қўлга киритди. Ўзбекистон спортчилари 1994 йилда Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида ўтказилган XVII қишқи Олимпия ўйинларида мустақил терма жамоа сифатида илк бор қатнашиб, 67 давлат ўртасида 14 ўринни эгаллади. Мамлакатимиз вакили Л.Черязова фристайл бўйича мусобақаларда иштирок этиб, илк олимпия олтин медалига сазовор бўлди.

Ўзбекистон спортчилари 1991-2014 йилларда йирик халқаро мусобақаларда олган медаллар сони 9254 та, улардан 2874 та олтин, 2909 та кумуш ва 3471 та бронза медаллари бўлди. 2015 йилда Ўзбекистон спортчилари жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро турнирларда 860 дан ортиқ медални қўлга киритишга эришдилар. Шунинг 311 таси олтин, 274 таси кумуш ва 276 таси бронза медалларидир. Спортчиларимиз, айниқса, енгил атлетика, бадий гимнастика, бокс, кураш, дзюдо, таэквондо, эшкак эшиш бўйича муваффақиятли иштирок этишмоқда.



Ўзбекистон терма жамоаларининг халқаро спорт мусобақалари, Олимпия, Осиё, Паралимпия ва Параосиё ўйинларидаги эришган натижаларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, мустақилликдан аввал 2010 йил Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистондан Осиё Паралимпия Қўмитаси Бош Ассамблеяси 59 нафар спортчи иштирок этган. Шу боис унга Афғонистон, мамлакатимизнинг 76 нафар спортчиси Эрон, Марказий Осиё давлатларида паралимпиячилар қатнашди. Сидней Олимпиадасида 77 нафар, Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш ва назорат қилишни кўзда тутган.

2016 йида таълим соҳасига ажратилган маблағлар доирасида режалаштирилган дастур ва тадбирлар асосида умумтаълим мактабларини спорт заллари билан босқичма-босқич тўлиқ таъминлаш дастури доирасида 280 та спорт залини қуриш ва бу мақсадларга бюджетдан 154 миллиард сўм йўналтириш белгиланган. Шунингдек, ҳар бир туманда камида биттадан замонавий, зарур спорт ускуналари ва инвентарлари билан жиҳозланган болалар ва ўсмирлар спорт мактабини ташкил этиш мақсадида 25 та спорт мактаблари тўлиқ модернизация қилинади. Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун бюджетдан 80 миллиард сўм ажратилган. Маданият ва спорт соҳаси харажатлари ҳам 2015 йилга нисбатан 16 фоизга оширилди ва 449 миллиард сўмни ташкил этди.

Республиканинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва ижтимоий салоҳиятида жисмоний тарбия ва спорт ҳам ўз ўрни ва мавқеига эга бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Ахматов М.С. Узлуксиз таълим тизимида оммавий спорт-соғломлаштириш ишларини самарали бошқариш. / Монография. –Т.: 2005. –142-б., 278-б.
2. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш – доимий эътибор-да» мавзусида республика анжумани. http://uza.uz/oz/society/khotin-izlar-uularini-taminlash-doimii-etiborda-21.11.2013-29595?sphrase_id=1523745 (Электрон ресурс). 2016 йил 14 сентябрда мурожаат этилди.

ТАФАККУР ЖАРАЁНИ, АҚЛИЙ ҲАРАКАТ УСУЛЛАРИ ВА ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ

Тажибоева Гузалхон Маҳмуджановна

Наманган давлат университети,

“Бошланғич таълимда ижтимоий фанларни ўқитиш методикаси” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: мақолада ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатишда тафаккур жараёни ва ақлий ҳаракат усуллари ўртасидаги узвийлик ва алоқадорлик масалалари ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: тафаккур; ақлий фаолият; ақлий ҳаракат; анализ; синтез; абстракция; конкретлаштириш.

ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ ПРОЦЕССА МЫШЛЕНИЯ, МЕТОДОВ РАЗУМНЫХ ДЕЙСТВИЙ И ОБУЧЕНИЯ КРИТИЧНОМУ МЫШЛЕНИЮ

Таджибоева Гузалхон Маҳмуджановна

Преподаватель кафедры “Методика преподавания



125	Boshlang'ich sinflarda ingliz tilini o'qitishda , multimedia darsliklarining ta'lim tizimida tutgan o'rni. Valiyeva Sh.A., Gapporov B.	597
126	Талабаларда жисмоний тарбияга қадриятли муносабатларини ривожлантиришга хос малака ва кўникмаларни юксак даражада самарали йўлга қўйилиши Назаров А.Т.	599
127	Картографическая грамотность - признак географической культуры Абдурахмонов Б.М.	603
128	Бўлажак тарбиячиларда касбий компетентликни ривожлантириш омиллари Абдусаматова Н.Ж.	609
129	Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини ривожлантириш йўллари Аъзамова Б.М.	613
130	Nanotexnologiyalar bo'yicha ta'lim olishga talab Borisova V.A.	616
131	Методика преподавания категории рода существительного в начальных классах. Дедаханов А.М.	623
132	Китоб –маърифат чироғи Муминова Д. А.	626
133	Davlat tiliga e'tibor va uning oliy ta'lim texnika yo'nalishlarida o'qitilishi Shermatova D.Y.	633
134	“Нутқ нуқсонли болалар диққатининг хусусиятлари” Жўраев М.М.	637
135	Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини мақсадли бошқаришга замонавий ёндашувлар Маҳмудова З.Х.	642
136	Talaba sportchilarning portlovchi kuchini rivojlantirish usullari Qambarov S.S.	647
137	Die bedeutung und das gebrauch der it beim sprachlernen Mamashajeva M.	651
138	Шахс ижтимоийлашуви жараёнида жисмоний маданият ва спортнинг ўрнига доир Мадаминов Б.Ш.	655
139	Тафаккур жараёни, ақлий ҳаракат усуллари ва танқидий фикрлашга ўргатишнинг ўзаро алоқадорлиги Тажибоева Г.М.	659
140	Талабаларда таълим менежменти бўйича билим ва кўникмаларни шакллантиришга замонавий ёндашув Қорабоева З.Т.	664
141	Олий таълим талабаларнинг амалиётини ташкил қилиш мазмуни. Кодирова З.	669